

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ  
ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НИШАНБАЕВА НИЛУФАР ЮНУСДЖОНОВНА**

**АТОПИК ДЕРМАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА  
ОШҚОЗОН-ИЧАК ТИЗИМИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШЛАР,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Нишанбаева Нилуфар Юнусджонова</b> Атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар, диагностикаси ва даволаш усуллари.....	3
<b>Нишанбаева Нилуфар Юнусджонова</b> Особенности изменений в желудочно-кишечном тракте у детей с атопическим дерматитом, диагностика и методы лечения.....	29
<b>Nishanbayeva Nilufar Yunusdjonovna</b> Specific changes in the gastrointestinal tract, diagnosis and treatment in children with atopic dermatitis.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**НИШАНБАЕВА НИЛУФАР ЮНУСДЖОНОВНА**

**АТОПИК ДЕРМАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА  
ОШҚОЗОН-ИЧАК ТИЗИМИДАГИ ЎЗИГА ХОС ЎЗГАРИШЛАР,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология  
14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.PhD/Tib1377 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбарлар:**

**Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Миррахимова Мактуба Хабибуллаевна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Суяров Акрам Амиркулович**

тиббиёт фанлари доктори

**Ахмедова Нилуфар Расуловна**

тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел/факс: (+998 71) 233-08-55, e-mail: [immunologiya@qir.ru](mailto:immunologiya@qir.ru)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент, акад. Я.Гулямов кўчаси, 74 уй. Тел/факс: (+998 71) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.У.Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Н.Я.Файзуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.А.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сўнгги йилларда дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларида аллергия касалликлар ортиб бормоқда. Касалликнинг тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...аллергия касалликларнинг 50-70%ни аллергия дерматозлар ташкил этаётган бўлса, атопик дерматит эса аллергия касалликларнинг 40-60% ни ташкил этмоқда, у ўз навбатида болалар популяциясининг 13-28%ни зарарламоқда»<sup>1</sup>. Болаларда атопик дерматитни учраш даражаси юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида аллергия касалликларнинг учраш даражаси ва ривожланишининг клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада атопик дерматит билан бирга учрайдиган патологияларни ўзига хос клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, атопия келиб чиқишига турли омиллар таъсирини аниқлаш, аллергия касалликларга ирсий мойилликни аниқлаш ва касалликни олиб бориш протоколларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир каторда атопик дерматитда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришларни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан болаларда учрайдиган атопик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, болалар орасида атопик дерматитда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришларни аниқлаш, клиник жиҳатларини тиклашга қаратилган

<sup>1</sup>globalasthmareport.org [Internet]. The Global Asthma Report 2014. Global burden of disease due to asthma [cited 17 Oct 2017]. Available from: <http://www.globalasthmareport.org/burden/burden.php>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

профилактик чора–тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашмуҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715–сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида» Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бизнинг юртимизда ҳам дунёнинг ривожланган мамлакатларида (Шашель В. А., Левин П. В., 2019) бўлгани каби сўнгги йиллардаген касалликларда (муковисцидоз) ошқозон ичак трактидаги клиник-лаборатор ўзгаришлар, жумладан ташқи секретор етишмовчилликни ўрганиш доирасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Камилова А.Т., Умарназарова З.Е., ва бошқ. 2020). Кўпгина тадқиқот натижасида АтД чалинган болаларда хазм тизимини барьер функциясида ўзгаришлар кузатилган (Рахромова Л.К., Каримов У. Н., 2019). Замонавий маълумотлар кўра атопик дерматитда кузатилган сурункали панкреатит касаллиги ошқозон ости безининг етишмовчилиги билан кечиб, кўпинча оғриқ синдроми билан кузатилади, меъда ости безининг паренхимасида қайтмас морфологик ўзгаришлар келиб чиқади (Одинеал Д.Д., Гершвин М.Е., 2020). Бу ўз навбатида меъда ости безининг экзокрин ва эндокрин функциясининг бузилишига олиб келади (Шадьжева Л. И., 2016).

Тери аллергия касалликларини ортиши болаларда ичак дисбактериозини кенг тарқалганлиги билан кечмоқда. Бу ичак микроэкологиясини бузилиши ва унинг натижасида аллергия реакцияларни пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Касалликни пайдо бўлишида қуйдаги сабаблар: болани илк кунлардан бошлаб сунъий овқатланиши, аралаш ва сунъий овқатлантиришга эрта ўтиш, кўп миқдорда консерваланган ва сунъий маҳсулотларни истеъмол қилиш, дори препаратларини кўп қўллаш, кундалик турмуш тарзида синтетик саноат маҳсулотлари етиштиришнинг кенг йўлга қўйилганлиги ва сунъий равишда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кенг фойдаланиш асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Кўрсатилган бу сабаблар дисбиоз билан кечган аллергия дерматозли болалар сонининг сезиларли даражада ортишига олиб келади.

АтД билан касалланган болаларни 75-80% да дисбиоз билан бирга кечиши аниқланган (Камилова А.Т., 2017; Рахмонова Л.К., 2019; Шодиев Х.К., 2015). Ҳазм трактида ферментлар фаолиятини ўзгариши, бўшлиқ девор олди ва мебраноз сўрилишни бузилишига олиб келади. Бунинг натижасида бактериял ва ноинфекцион аллергенларнинг бола организмга тушиш хавфи ортади. Бактериял аллергенлар ва овқат макромолекула моддаларининг тўлиқ парчаланмаслиги, иммун жавоб реакциясини сусайтириш ва антиген-антитела комплексини организмдан элиминациясини сустлашиши иммун гомеостазни бузилишига олиб келади.

Атопик дерматит фонида ошқозон - ичак дисфункциясининг ривожланиши учун хавф гуруҳига гастроэнтерологик ва аллергик касалликларнинг биргаликда ирсий мойиллиги бўлган болалар киради. Озиқ-овқат аллергияси фонида АтД билан биргаликда ошқозон-ичак дисфункцияси бўлган чақалоқларда клиник ва анамнестик маълумотларни баҳолаш билан бирга, фекал микрофлора, маҳаллий иммунитет, ичак ўтказувчанлиги ҳолатини аниқлаш тавсия этилади, бу эса дисбиотик касалликларнинг оғирлигини ва тегишли даволанишга бўлган эҳтиёжни аниқлашга имкон беради. Шу муносабат билан, ушбу касалликларга экологик омилларнинг салбий таъсирини ҳисобга олган ҳолда болаларда болаларда АтД ривожланишининг хавф омиллари, ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришларда ошқозон ости безининг ролини аниқлаш ҳамда замонавий янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардандир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1800231-сонли «Болаларда бронх-ўпка ва аллергик касалликларни экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2018-2022 йй.) лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйдагилардан иборат:

атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон ичак трактидаги клиник лаборатор ўзгаришларини учраш даражасини ва келиб чиқиш хавф омилларини ретроспектив таҳлил қилиш ёрдамида аниқлаш;

атопик дерматитда ошқозон ости бези фаолияти бузилишини баҳолаш ва ташхислаш усулларини оптималлаштириш;

сурункали панкреатит етишмовчилиги билан кечувчи атопик дерматитнинг оғирлик даражасини клиник-иммунологик кўрсаткичларга боғлиқлигини аниқлаш;

атопик дерматит фонида кечувчи сурункали панкреатитда аниқланган клиник лаборатор ўзгаришларни коррегирлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси назоратида бўлган атопик дерматитли 6 ойдан 18 ёшгача бўлган 386 нафар болалар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида болалар веноз қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар, нажаси эластаза миқдорини аниқлаш учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор-инструментал, аллергологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

илк бор атопик дерматитли болаларда ошқозон ичак трактидаги ўзгаришлар (эрта сунъий овқатлантириш, ОИТ касалликлари, тишлар кариеси ва камқонлик) ошқозон ости безининг (сурункали панкреатит) ташқи секретор етишмовчилиги келиб чиқиши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк бор атопик дерматитли болаларда панкреатик етишмовчилик (сурункали панкреатит) кузатилганда SCORAD индекси ва умумий IgE миқдори ортишига тўғри ва нажасдаги эластаза миқдорига тесқари пропорционал боғлиқлик исботланган;

илк бор атопик дерматитли болаларда панкреатик етишмовчилик кечишининг сезиларли даражада оғирлашуви нажасда эластаза миқдорининг пасайиши ва SCORAD индексининг юқори бўлиши ҳамда клиник (қориндаги оғриқлар, кўнгил айнаиши, ҳаволи кекириш, метеоризм, иштаҳани пасайиши) симптомларни узок муддат сақланиб қолиши аниқланган;

атопик дерматитли болаларда дерматитнинг клиник белгилари (тошмалар интенсивлиги) ва кечишининг сезиларли даражада оғирлашуви уйқу йўқолиши, қорин соҳасидаги оғриқ ва тери соҳасида қичишиш кучайиши билан тўғри пропорционал боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитли болаларда касаллик оғирлашувига ошқозон ичак трактидаги ўзгаришларва хавф омилларининг таъсири асосланган;

атопик дерматитли болаларда сурункали панкреатит ҳолатининг кучайишида меъда ости безининг экзокрин етишмовчилигига олиб келувчи хавф омилларини аниқлаш асосланган;

умумий амалиёт шифокорлари ва тор доирадаги мутахассислар учун атопик дерматитли беморларда ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитни эрта ташхислаш тамойиллар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи клиник, анамнестик, аллергологик, иммунологик ва инструментал ҳамда статистик усуллари таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий

компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар диагностикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади, илк бор атопик дерматитли болаларда ошқозон ичак трактидаги ўзгаришлар, панкреатик етишмовчилик (сурункали панкреатит), SCORAD индекси ва умумий IgE миқдори ортиши, нажасдаги эластаза миқдорининг камайишига боғлиқлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атопик дерматитли болаларда касаллик оғирлашувида ошқозон ичак трактидаги ўзгаришлар ва хавф омилларининг таъсири аниқлаганлиги, сурункали панкреатит ҳолатининг кучайишида меъда ости безининг экзокрин етишмовчилигига олиб келувчи хавф омилларини аниқланиши ва умумий амалиёт шифокорлари ва тор доирадаги мутахассислар учун атопик дерматитли беморларда ташқи секретор етишмовчилик билан кечувчи сурункали панкреатитни эрта ташхислаш тамойиллар ишлаб чиқилганлиги касаллик рецидивини профилактика қилиш, ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар диагностикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

атопик дерматитли беморларни ташхислашни оптималлаштириш асосида ишлаб чиқилган «Болаларда атопик дерматитда ошқозон ичак трактининг ҳолатини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши атопик дерматитли болаларда ошқозон ичак тракти ўзгаришларни эрта ташхислаш ва ривожланишини олдини олишга хизмат қилган;

атопик дерматитга чалинган беморларда озиқ-овқат сенсibiliзацияси билан боғлиқ жиҳатлари ва даво усуллари такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган «Болаларда атопик дерматитни ташхислаш ва даволаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 8н-д/26-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши болаларда атопик дерматитни эрта аниқлаш, ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали касаллик ривожланиши ва келиб чиқадиган асоратларини олдини олишга хизмат қилган;

атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришлар диагностикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш

амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Тошкент вилояти Пскент тумани тиббиёт бирлашмаси, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 38 оилавий поликлиникаси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги 08-09/17404-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг клиник амалиётга жорий этилиши атопик дерматит билан касалланган болаларда ошқозон-ичак тизимидаги ўзига хос ўзгаришларни ташхислаш ва ўз вақтида даволаш усулини қўллаш орқали болаларда касалликни қайталаниш даражасини камайтиришга, касаллик асоратларини олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳамда болаларни стационарда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда, жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари таърифланган, диссертация ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатиб берилган, ишнинг илмий янгилиги ва натижаларнинг амалий аҳамияти келтирилиб, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Болалардаги атопик дерматит ва овқат ҳазм қилиш тизими органлари ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, болаларда атопик дерматитда ошқозон-ичак трактидаги клиник лаборатор ўзгаришларга талукли муаммоларнинг замонавий тасаввурлари таҳлил қилинган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган. Алоҳида қисмида болаларда овқат ҳазм қилиш органлари моторикасини функционал бузилишлари ва уни текшириш усуллари таҳлили келтирилган ҳамда ушбу муаммонинг ечилмаган ва аниқлаштиришни талаб этадиган қисмлари тўғрисида тўлиқ маълумот берилган. Олинган материалларни синчковлик билан таҳлил қилиш, батафсил ўрганишни талаб этадиган жиҳатлари таъкидланган.

Диссертациянинг «Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва усуллари баён қилинган. Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида 2017-2020 йилларда амбулатор ва стационар даво олган беморлар ретроспектив ва проспектив кузатув учун тадқиқотга жалб қилинган.

Юқоридаги белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун 6 ойдан 18 ёшгача бўлган 386 нафар АтДли болалар текширилган. Таҳлил остига олинган беморлар ёшига кўра АтД ни Россия (2002) клиник иммунолог ва аллергологлари ассоциацияси қабул қилган таснифга асосланиб, урта гуруҳга ажратилди. Чақалоқлар атопик дерматити (2 ёшгача бўлган болалар) – 167 нафар (43,6%), болалар атопик дерматити (2 ёшдан-12 ёшгача) - 134 нафар (34,7%) ва ўсмирлар атопик дерматити (12 ёшдан 18 ёшгача) бўлган 85 нафар (22,0%) бемор болалар фарқланиб, уларнинг ўртача ёши  $6,2 \pm 1,3$  ни ташкил этди.

1 – жадвал.

### АД ли бемор болаларнинг ёши ва жинси бўйича гуруҳларга

#### тақсимланиши

Ёши Жинси	Чақалоқлар АтД (n=167)		Болалар АтД (n=134)		Ўсмирлар АтД (n=85)		P
	абс	%	Абс	%	абс	%	
Қиз	89	53,2	74	55,2	49	57,6	>0,05
Ўғил	78	46,8	60	44,8	36	40,3	>0,05

Изоҳ: P - гуруҳларни ўзаро солиштирганда.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики (1-жадвал) АтД асосан барча гуруҳларда жинси бўйича тақсимланганда қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан 1,2 марта кўпроқ учради, адабиётдаги олинган маълумотларга кўра касалликни қиз болаларда мойиллиги аниқланган. Маълумотлардан кўриниб турибдики АтД асосан 6 ойдан 2 ёшгача яъни чақалоқлар АтД кўпроқ учради (43,2%).

Ретроспектив таҳлил қилинган бемор болалар ошқозон ичак трактининг (ОИТ) ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилди. Атопик дерматитда ОИТда клиник-лаборатор ўзгаришлар бор бўлган болалар 331 нафарни (85,7%), ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришлар кузатилмаган болалар эса 55 нафарни (14,2%) ташкил этди. Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики АтД ташхиси қўйилган беморларда ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришларнинг кузатилиши йилдан йилга ортиб бормоқда (2-жадвал).

Илмий изланиш уч босқичда бажарилди. Илмий изланишнинг биринчи босқичида Тошкент тиббиёт академиясининг 1 – клиникасига АтД ташхиси билан мурожаат қилиб келган 386 нафар бемор болаларнинг касаллик тарихи ва амбулатор карталари ретроспектив ўрганилди.

Текширувнинг 2 босқичида ОИТ ўзгаришларга (n=331) аниқлик киритиш мақсадида чуқур клиник-лаборатор, иммунологик ва инструментал текширувлар ўтказилди.

2-жадвал.

**Ретроспектив таҳлил асосида болалар ОИТдаги клиник- лаборатор ўзгаришларининг йиллар бўйича тақсимланиши**

Ошқозон ичак трактининг ҳолати	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз	Ўғил	Қиз
ОИТ клиник- лаборатор ўзгаришлар билан	16 (72,7 %)	13 (81,2 %)	67 (90,5 %)	54 (90 %)	16  76,1% )	28 (82,3 %)	65 (83,3 %)	72 (88,8 %)
ОИТ клиник- лаборатор ўзгаришларс из	6 (27,2 %)	3 (18,7 %)	7 (9,4%)	6 (10 %)	5 (23,8 %)	6 (17,6 %)	13 (16,7 %)	9 (11,1 %)
N	22	16	74	60	21	34	78	81

Тадқиқотнинг учинчи босқичида АтД ОИТда ПЕ аниқланган беморларда (ташхисга аниқлик киритиш мақсадида) нажасда эластаза миқдори аниқланди ва уларнинг даволаш тактикасига ПЕ коррекция қилиш мақсадида фермент препаратлари киритилди. Иммунологик тадқиқотлар учун алоҳида назорат гуруҳи 20 нафар соғлом болаларни ўз ичига олди. Кўрсатмага биноан беморлар топ мутахассислар кўригидан ўтказилди: гастроэнтеролог, аллерголог ва тери-таъносил шифокори. Беморлар даводан олдин, сўнг ва бир ойдан кейин текширилди.

АтД ни ташхислаш учун standart клиник, аллергологик, иммунологик ва копрологик диагностика усулларидадан фойдаланилди. Касалликнинг оғирлиги SCORAD индекс мезонлари асосида аниқланди. Терапиянинг самарадорлигини объектив баҳолаш учун SCORAD индекси даволанишдан олдин ва кейин ҳисобланди.

Иммунологик усуллар. Қон зардобида умумий IgE (IgE, МЕ/мл) миқдори sobas E 411 қурилмаси ёрдамида иммунохемилюминисцент усули билан аниқланган. Қон зардобида специфик IgE (МЕ/мл) С.А.Р. L.A. System реагентлардан (Россия) фойдаланиб қаттиқ фазада иммунофермент усулида аниқланган.

Махсус текшириш усуллар. Нажасдаги эластаза миқдори иммунофермент усулида (ELISA) (ScheBo Tech, Wettenberg, Германия)

аниқланган, бунда моноклонал антителалардан фойдаланилган. Ўлчов бирликлари, Мкг/г (микрограмм граммга).

Инструментал усуллар. Текширувдаги беморларда қорин бўшлиғи УТ текшируви «Philips-SD-360» (2019) аппарати ёрдамида ўтказилди ва ОИТ аъзолари ҳолати баҳоланди.

Статистик усуллар. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Excel Version 7.0 амалий математик-статистик таҳлил дастурларидан фойдаланиб ўтказилган. Статистик усуллар танловни ўртача кўрсаткичи (M), ўртача стандарт хатолик (m), корреляция коэффициентини (r) аниқлашдан иборатдир. Статистик популяциядаги фарқларнинг ишончилиги Стьюдент (t) мезонларига кўра, турли хил дисперсиялар учун параметрик усулларда баҳоланган.


Диссертациянинг **«Ошқозон ичак трактидаги ўзгаришлар билан кечувчи атопик дерматитли беморларда хавф омиллари ва клиник белгиларнинг ривожланиши»** деб номланган учинчи бобида ретроспектив таҳлил натижалари келтирилган. Ретроспектив таҳлил қилинган бемор болалар ошқозон ичак трактининг ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилди. Атопик дерматитда ошқозон-ичак трактида (ОИТ) клиник лаборатор ўзгаришлар бор бўлган болалар 331 нафарни (85,7%), ОИТ клиник лаборатор ўзгаришлар кузатилмаган болалар эса 55 нафарни (14,2%) ташкил этди. Ретроспектив таҳлил маълумотларига кўра АтДли болаларда ОИТ ўзгаришлар йилдан йилга ортиб бориши ва учраш частотаси худудларга боғлиқлиги аниқланди, кўпроқ Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилоятида аниқланди. Масалан 2017 йилда АтДда ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришлар билан 29 нафар бемор (68,4%) мурожаат қилган бўлса, 2020 йилга келиб мурожаатлар сони 137 нафарни (86,1%) ташкил қилган.

АтД ошқозон ичак трактидаги клинико-лаборатор ўзгаришларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллардан бири бўлган овқатланиш характери ўрганилиб, гуруҳдаги беморларнинг кундалик овқат таркиби, тури ва тартиби инобатга олинди. Чақалоқлар АтД 69,6% болалар эрта сунъий овқатлантиришга ўтказилганлиги, оила дастурхони овқатларига эрта ўтиши маълум бўлган бўлса, болалар (64,9%) ва ўсмирлар АтД эса (82,3%) асосан беморларнинг овқатланиш тартибига роя қилмаслиги кузатилди. Овқатланиш характерига кўра кўп истеъмол қилинувчи маҳсулотлар яъни ширинликларни устунлиги асосан чақалоқлар АтД (73,6%) ( $p>0,05$ ), ёғли таркибга эга таомлар устунлиги (69,4%) ( $p<0,001$ ), ўткир, аччиқ таомларнинг устунлиги ўсмирлар АтД - (64,7%) кузатилди. Болалар АтД гўштли овқатларни кўп истеъмол қилиш яни 103 нафар (76,8%) ҳолда кузатилиши аниқланди ( $p<0,001$ ). Шу билан бирга ўсмирлар АтД овқатланиш частотаси бошқа ёшдаги болаларга нисбатан камлиги кузатилди ( $p<0,001$ )

Эътиборга лойиқ томони шундаки, ретроспектив таҳлилга жалб қилинган касаллик тарихларида АтД ошқозон ичак трактида клиник лаборатор ўзгаришлар келиб чиқишига сабаб бўлувчи энг асосий омиллардан болани овқатланишига, дори воситаларни қабул қилишга доир саволлар тўлиқ акс этирилмаган.

Тадқиқот давомида беморларнинг ижтимоий шароитлари ва ҳаёт тарзи ўрганилганда куйидаги омиллар яъниболалар ва ўсмирлар АтД психоэмоционал зўриқиш чақалоқларда аниқланган АтДга (13,7%) нисбатан кўпроқ, мос равишда (58,9% ва 63,5%) кузатилганлиги маълум бўлди ( $p>0,05$ ). Ақлий зўриқиш эса (77,6%) ўсмирларда бошқа гуруҳдаги беморларга нисбатан кўп ҳолатларда кузатилган ( $p>0,05$ ). Ижтимоий шароитнинг оғирлиги эса чақалоқларда ўсмирларга нисбатан устунлиги кузатилган бўлса, бошқа турдаги шароитлар яъни жисмоний зўриқиш, гиподинамия, ҳайвон, чанг билан мулоқат нисбатан кам учраши қайд этилди.

Болаларда касалликни ривожланишига олиб келувчи омиллардан бири, наслий мойиллик бўлиб, бу кўрсаткичлар иккала гуруҳда ҳам юқори эканлиги қайд қилинди (84% ва 86,4%). Ошқозон ичак трактидаги касалликлар эса 2,4 марта кўплиги биринчи гуруҳ болаларнинг ота онасида кузатилганлиги маълум бўлди (49,2% нисбатан 20,3%,  $p<0,001$ ) (1-расм).



**1-расм. Аллергик касалликлар бўйича наслий мойиллик ва ота-оналарда аниқланган ОИТ касалликлари частотаси.**

Изоҳ: \*– кўрсаткичларни солиштириш гуруҳларидаги ишончлилиги ( $p<0,001$ )

Текширилган болалардаги ёндош касалликларни ўрганиш, ошқозон ичак трактида клиник-лаборатор ўзгаришлари мавжуд бўлган болаларда куйидаги касалликлар кузатилди: ОИТ касалликлари (100%), тишлар кариеси (72,5%), сурункали тонзиллит (28,2%) ва турли даражадаги анемия (62%), ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришларйўқ бўлган болаларда эса мос равишда – 21,5%, 51,2, 25,5% ва 49% да қайд қилинди.

Таҳлилдаги АтДли беморларнинг аниқланган ОИТ касалликлари куйидагича тақсимланди: 52,9 % - сурункали ПЕ, 24,5% - сурункали гастрит, 22,9% - сурункали холецистит, 20,5% - ичакни таъсирланиш синдроми, 15,6% - сурункали ГД, 15,5% - ўт тош касаллиги, 8,4% - яра касаллиги, бу беморларнинг 50% ортиғида бир вақтнинг ўзида 2 та ва 3 та ОИТ касаллиги аниқланди.

Шундай қилиб, болаларда ОИТдаклиник лаборатория ўзгаришларнинг ривожланиши, кечиши ва прогнозига, тиббий-биологик омиллар билан бир қаторда, наслий мойиллик, ота онанинг ОИТ касалликлари борлиги катта

аҳамиятга эга бўлиб, улар асосан 1 гуруҳ болалари (ОИТ клиник лаборатор ўзгариши бор) учун кўпроқ хос бўлган.

Барча гуруҳларда кўп ҳолларда беморларда АтД ошқозон ичак тизимидаги клиник лаборатор ўзгаришларбошқа мутахассислар томонидан аниқланган, лекин шунга қарамасдан керакли даво тавсиялар ўз вақтида берилмаган. Бу ўз навбатида соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи бўғинидаги тордоирадаги мутахассислар томонидан аниқланган ОИТ касалликларини ўз вақтида даволанмаганидан далолат беради. Тахлил натижалари АтД касалликнинг оғир кечиши ошқозон ичак тизимидаги ўзгаришларни бошқа сурункали касалликларга нисбатан тез авж олиши, бу ўз навбатида патологик ҳолатнинг беморларнинг турмуш тарзига салбий таъсир қилиши ҳамда асоратларнинг тез ривожланишига имкон яратишини билдиради.

Тиббиёт муассасасига мурожаат қилган АтДли болаларга тавсия қилинган ва текширилган лаборатор - инструментал текширув режаси таҳлилига кўра АтДли беморларда ошқозон ичак трактидаги клиник лаборатор ўзгаришларни ташхислаш ва олиб боришда соғлиқни сақлашнинг иккинчи бўғини стационар босқичида шифокорлар томонидан қўйилган бир қатор камчиликлар, тўлиқ ташхис қўйиш учун керакли мажбурий текширув усулларни тавсия қилинмаганлиги аниқланди. Барча гуруҳдаги АтДли беморларга ошқозон ости беzi (ООБ)нинг, хусусан ташқи секретор етишмовчиликни аниқлаш мезонига кирувчи нажасда панкреатик эластаза миқдорини аниқлаш усули ўтказилмаганлиги аниқланди. Шу билан бирга сурункали панкреатитни аниқлаш ва тўғри олиб боришга имкон берувчи текширув усулларида - копрология, амилаза ва қорин бўшлиғи УТТ текширув усуллари тавсия қилинмаганлиги маълум бўлди.

АтДда ошқозон ичак трактидаги клиник лаборатор ўзгаришларни ташхислашда шифокорлар томонидан қайд этилган маълумотлар халқаро стандартлар билан солиштирилганда мутахассислар томонидан сўраб суриштириш жараёнида бир қатор камчиликлар, яъни патологик ҳолатни аниқлашда муҳим бўлган хавф омилларини чуқур ўрганиш – наслий мойиллик, хомиладорлик давридаги сурункали касалликларнинг кузатилиши, овқатланиш тартибини нотўғри олиб борилиши ОИТга салбий таъсир қилувчи дори воситаларни қўлланиш даражаси касаллик тарихида тўлиқ акс эттирилмаган - (85,2%) ва 90% ортиқ ҳолатларда барча гуруҳларда аниқланмаган. Бу эса ўз навбатида нафақат АтД ли беморларда ОИТ касалликларини ташхислаш балки касаллик бўйича башорат бериш ва беморларни олиб бориш тактикасини тўғри танлаш имконини берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш керакки, деярли барча АтД ли беморларнинг касаллик тарихи ва амбулатор картасида ташхис бир хил кўринишда шакллантирилган бўлиб, ОИТклиник лаборатор ўзгаришларга эътибор берилмаган, замонавий тасниф тамойилларидан фойдаланилмаганлигидан ва ўз вақтида даво олиб борилмаганлигидан далолат беради. Эътиборга лойиқ томони шундаки, АтД ли беморларда ОИТ касалликларидан энг кўп учраган (52,9%) сурункали

панкреатитни ташхисланишида беморларни даволаш ва олиб боришда ўта муҳим бўлган ташқи ва ички секретор етишмовчилик ҳолатлари ўз аксини топмаган.

Атопик дерматитга шубҳа қилинган болаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, текширилганларнинг барчаси 6-12 ой ичида терида тарқалган қичимали тошма пайдо бўлишидан шикоят қилишган. АтД охириги 12 ой давомида қичимали тошмалар мавжудлиги биринчи гуруҳ болаларда (чақалоқлар АтД) болалар ва ўсмирларга қараганда 2 баробар кўпроқ учраши кузатилди (76,0%; 34,3% ва 51,7% мос равишда) ( $p > 0,05$ ). Шу билан бирга тизза ости, билак букувчи юзаларидаги, қафт терисидаги, бўйин, кўз ва қулоқ атрофидаги типик тошмаларнинг жойлашиши текширилган ўсмирларда устунлик қилди 81,1%(3-жадвал).

### 3-жадвал.

#### Атопик дерматит белгиларининг ёш бўйича тақсимланиши (%)

Касаллик симптомлари	Чақалоқлар АтД (n=167)	Болалар АтД (n=134)	Ўсмирлар АтД (n=85)
<b>АД симптомлари частотаси (қичимали тошмалар мавжуд)</b>			
Охириги 6 ой давомида	40 (23,9%)	88 (65,6%)	41 (48,2%)
Охириги 12 ой давомида	127 (76,0%)	46 (34,3%)	44 (51,7%)
Тошмаларнинг типик жойлашиши	98 (58,6%)	104 (77,6%)	69 (81,1%)
Охириги 12 ойда тошмаларнинг тўлиқ йўқолиши	76 (45,5%)	82 (61,1%)	53 (62,3%)
<b>туңги симптомлар: (қичимали тошма туфайли уйқунинг бузилиши)</b>			
Хафтада 1 марта	101 (60,4%)	55 (41,0%)	39 (45,8%)
Хафтада 1 мартадан кўп	66 (39,5%)	79 (58,9%)	46 (54,1%)


Изоҳ: \* –  $p < 0,05$  гуруҳларни ўзаро солиштирганда.

АтД тошмаларнинг охириги 12 ойда тўлиқ йўқолиши, кечки безовталиқларни ва қичишишларни йўқлиги билан тўлиқ клиник ремиссия даврлари билан кечиши кўпроқ болалар ва ўсмирлар АтД кузатилди (61,1% ва 62,3%). Кучли қичишиш натижасида хафтада 1 мартадан кам уйқунинг бузилиши эса кўпроқ чақалоқларда кузатилди 60,4%, хафтада 1 мартадан кўп асосан болалар ва ўсмирлар АтД кузатилди

Чақалоқлар АтДда 42,2 % гипоаллерген диетанинг бузилиши ёки кузатилган ўткир респиратор касалликни даволашда антибактериал препаратларни қўллаш натижасида тери синдромини эритематоз тошмалар кўринишида қайталаниши кузатилди. Кейинги кузатув даврида эса бу болаларнинг 15,8% теридаги тошмаларни қайталаниш ҳолати гипоаллерген диетанинг бузилиши натижасида сақланди.

Болалар ва ўсмирлар АтДда 78,2% ҳолатда гастроэнтерологик шикоятлар аниқланди. Бу шикоятларининг характери 2 расмда кўрсатилган.

Кўпинча бемор болаларни қорин соҳасидаги оғирлик хисси (52,9%), эпигастрал соҳадаги оғриқ (47,4%), кекириш (29,7%) ва жиғилдон қайнаши (18,2%) каби шикоятлар безовта қилди. Баъзан болалар ва ўсмирлар қусиш (32,1%), қабзият (29,5%) ёки ични суюқ келишига ҳам (18,4%) шикоят қилдилар. Шу билан бир вақтда, овқат ҳазм қилиш трактининг юқори ва пастки қисми зарарланиши белгилари бир хил даражада кузатилди, лекин энг муҳими уларнинг бир вақтда зарарланиш ҳоллари ҳам кузатилди (2 расм).



**2-расм. Беморларнинг гастроэнтерологик шикоятлари тавсифи (%)**

Шундай қилиб, АтД бор болаларнинг 78,2% гастроэнтерологик шикоятларнинг юқори спектери ва ичак сўрилиши бузилишининг билвосита белгилари яъни, гипермоторик ва гипомоторик турдаги ошқозон-ичак моторикасинибузилиши, ичак микробиоценоз ўзгаришлари аниқланди.

Ушбу тадқиқот доирасида атопик дерматитда патологик жараённинг ривожланиш механизмларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида касалликнинг клиник белгилари вагастроэнтерологик шикоятлар ўртасидаги корреляцияларни таҳлил қилиш амалга оширилди. Натижада атопик дерматитнинг клиник белгилари ва қорин соҳасида оғриқ ўртасида турли даражадаги ижобий корреляция аниқланди, аммо улар тери соҳасида қичишиш ва уйқу йўқолиши (+0,7 ва +0,83) каби белгилар билан ҳам боғлиқ бўлди. Шу белгилар билан жиғилдон қайнаши ўртасида ҳам боғлиқликкузатилди (+0,6 ва + 0,79). Шунинг учун атопик дерматитнинг кечишини ошқозон-ичак белгилари пайдо бўлиши билан боғлайдиган баъзи механизмлар ҳақида гапириш мумкин.

Текширувдаги болаларда ОИТ касалликларидан асосан сурункали панкреатик етишмовчилиги 52,9%, сурункали гастрит 24,5%, сурункали холецистит 22,9%, ичакни таъсирланиш синдроми 20,5% ва сурункали гастродуоденит 15,6 % аниқланди. Атопик дерматитли болаларда энг кўп учраган панкреатит етишмовчилигини (52,9%) ўрганиш мақсадида тадқиқотга жалб этилган АтД билан хасталанган 120 нафар бемор чуқур текширувга жалб этилди, улардан ўғил болалар - 46,6%, қиз болалар - 53,3%. Текширувдаги ПЕ бор беморларнинг 52,5% 2 ёшдан - 12 ёшгача бўлган

болаларни ташкил этгани учун даволаш режаси айнан шу ёшдаги беморларда ўтказилди. Тадқиқотнинг ушбу босқичида ўтказилган АтД ли болаларда панкреатик эластазани аниқлаш жараёнида ёндош сурункали панкреатит билан хасталанган беморларда ташқи секретор етишмовчилик мавжудлиги ва уларнинг кўрсаткичлари АтД ли сурункали панкреатит етишмовчилиги йўқ ва соғлом болалар кўрсаткичлари билан солиштирилди (4-жадвал). Бизнинг текширувимиздаги болаларда, эластаза миқдори кичикрақамлардан нормагача ораликда ўзгариб турди. АтД ли ООБ етишмовчилиги билан касалланган болаларда панкреатик эластазанинг миқдори <100 мкг ораликдан 230 мкг ораликда бўлди.

#### 4-жадвал.

#### АтДли беморлар нажасида панкреатик эластаза миқдори таҳлили

Гуруҳлар	Эластаза (мкг)	Меъёри
АтД ПЕ бор n=30	150,9±0,56**	Етишмовчиликни оғир даражалари:<100мкг Етишмовчиликни ўрта оғир даражаси:100-200мкг Меъёри: 200-500 мкг Ортиши: 500-700 мкг Жуда ортиши: >700
АтД ПЕ йўқ n=30	280,4±0,23*	
Соғлом болалар n=20	367,7±0,31	

Изоҳ: p<0,001 соғлом болалар кўрсаткичига нисбатан.

Панкреатик эластаза миқдори АтДли ООБ етишмовчилиги йўқ ва соғлом болалар кўрсаткичи АтДли ООБ етишмовчилиги билан касалланган болаларга нисбатан ишончли фарқ (p = 0,001) қилди (209 мкг ораликдан 497 мкг). Биз текширувдаги ПЕ аниқланмаган бемор болаларда АтД оғирлик даражасини кўрсатувчи SCORAD индекси ва панкреатик эластаза миқдори ўртасида кучсиз корреляцион боғлиқлик аниқланди (r=+0,21). ПЕ кузатилган беморларда эса кучли манфий корреляцион боғлиқлик кузатилди (r=-0,82). Демак АтД қанчалик оғир кечса (SCORAD индекси юқори бўлса) ПЕ ҳам шунчалик оғир даражада кузатилади (эластаза миқдори ўрта оғир ва оғир даражада камайди).

Тадқиқот жараёнида АтД беморларни таҳлил қилишда СПнинг ривожланишига олиб келувчи қуйидаги омиллар аниқланди. Беморларда кузатилган барча гастроэнтерологик шикоятлар орасидан ПЕ га хос бўлганларини ажратиб олдик: турли хил интенсивлик даражасига эга бўлган, овқатланишни бузилиши билан юзага келувчи чап қовурға ости соҳасидаги оғриқ (74,1%), кўнгил айнаши (61,6%), ҳаволи кекириш, метеоризм, иштаҳани пасайиши (70,8%), таркибида ҳазм бўлмаган овқат бўлакчалари бўлган нажас келиши сонининг ортиши, тана массаси кўшилишининг етишмовчилиги (5жадвал). Объектив текширувда кузатувдаги 84,6 % ўсмирлар АтД, 48,4% болалар АтД ва 39,5% чакалоқлар атопик дерматитида пальпацияда ошқозон ости беши проекцияси нуқталарида оғриқ кузатилди (Шоффара, Губергрица-Скульский, Мейо-Робсона, Дежардена).

## АД билан касалланган болаларда ПЕ клиник белгилари (n=120)

Симптомлар	Чақалоқлар АтД (6 ой-2 ёш) n=43	Болалар АтД (2-12 ёш) n=64	Ўсмирлар АтД (12-18 ёш) n=13	P
Қорин соҳасида оғриқ	27 (62,7%)	51(79,6%)	11(84,6%)	<0,001
Кўнгил айнаши	15 (34,8%)	49 (76,5%)	10(76,9%)	<0,01
Ҳаволи кекириш	6 (13,9%)	38 (59,3%)	9 (69,2%)	<0,001
Метеоризм	21 (48,8%)	41 (64,0%)	6 (46,1%)	<0,001
Иштаҳани пасайиши	27 (62,7%)	51 (79,6%)	7 (53,8%)	<0,05
Турғун бўлмаган нажас	31 (72,0%)	53 (82,8%)	12(92,3%)	<0,05
Тана массасининг камлиги	18 (41,8%)	15 (23,4%)	3 (23,0%)	<0,001

Болалар ва ўсмирлар АтД сурункали панкреатит етишмовчилиги билан бир қаторда ташқи секретор етишмовчилик ривожланиши билан боғлиқ шикоятларнинг эрта ёшдаги болаларга нисбатан яққол намоён бўлиши кузатилди.

АтД ли болаларда СПни ташхислашда лаборатор текширув усуллари билан бир қаторда ООБ ҳолатини тўлиқ таҳлил имконини берувчи УТТ текшируви бўйича барча гуруҳларда ўзига хос ўзгаришлар қайд этилди (6-жадвал).

Таҳлил жараёнида ООБнинг турли структур ўзгаришлари ва патологик ўзгаришлар ҳисобга олинди. Ультратовуш натижаларига кўра ООБ паренхимаси экзогенлигининг турли даражадаги нотекислиги ва ўзгаришлари текширувдаги АтД ли беморларнинг 62,9% ҳолатда қайд этилди. Болалар АтД ООБнинг катталаниши ўсмирлар ва чақалоқлар АтДга нисбатан юқори бўлди (61,9 %; 46,1% ва 32,5% мос равишда) ( $p < 0,001$ ). Ўсмирларда эхосигналларнинг ногомоген тақсимланиши ва зич соҳаларнинг алмашилиши ўзгаришлари бошқа чақалоқлар АтД нисбатан яққол намоён бўлиб, асосий спефик ўзгаришлардан – чиқарув йўли кенгайиши, ООБ зичлигининг ошиши каби ўзгаришларга мойиллик юқори эканлиги аниқланди.

Бирламчи звено ва стационар шароитида даволанаётган АтД беморларга СПнинг, хусусан ташқи секретор етишмовчиликни ташхислаш мезонига кирувчи панкреатик эластазани аниқлаш усули, ООБ УТТумуман ўтказилмаганлиги аниқланди. Шу билан бирга АтД ошқозон ичак тизимидаги клиник лаборатор ўзгаришларни яъни сурункали панкреатитни аниқлаш ва тўғри олиб боришга имкон яратувчи асосий текширув усуллари - копрология, амилаза, диастаза ва қорин бўшлиғи УТТ текширув усуллари тўлиқ ҳажмда тавсия қилинмаган.

АД ли беморларда ултратовуш текшируви натижаларига кўра СПга хос ўзгаришлар

Кўрсаткичлар	Чақалоқлар АтД (6 ой-2 ёш) n=43		Болалар АтД (2-12 ёш) n=64		Ўсмирлар АтД (12-18 ёш) n=13		P
	абс	%	абс	%	абс	%	
Паренхима эхогенлигининг диффуз ошиши, тасвирнинг сақланиши	12	27,9	29	46,0	4	30,7	<0,001
Ўрта ва зич турдаги эхосигналлар, меъерий фонда нотекис тақсимланиши	9	20,9	14	22,2	5	38,4	<0,001
Эхосигналларнинг ногомоген тақсимланиши ва зич соҳаларнинг алмашиниши	8	18,6	19	30,1	7	53,8	<0,001
Эхосигналлар амплитудаси ва давомийлигининг ўта вариабиллиги	13	30,2	17	26,9	3	42,8	<0,01
ООБнинг катталаниши	14	32,5	39	61,9	6	46,1	<0,001
Панкреати йўлнинг кенгайиши (>2,5 мм)	7	16,2	27	42,8	5	38,4	<0,001
ООБ зичлигининг ошиши	15	34,8	25	39,6	8	61,5	>0,05


Изоҳ: \* – p <0,05 гуруҳларни ўзаро солиштирганда.

АтД ПЕ кузатилган беморларнинг 39,5% да диарея синдроми хафтасига 2-3 маротабадан кам бўлмаган ҳолатда кузатилди. Бу беморларнинг 18,5% да диареянинг кунига 2 - 3 мартадан кўп бўлиши аниқланди. Беморларнинг 12% эса ич қотиши кузатилган.

Текширувда СПнинг, хусусан ташқи секретор етишмовчиликнинг асосий симптомларидан бир бўлган қориндаги оғриқ хусусиятлари ва келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар ҳам таҳлил қилинди (3-расм). Оғриқ характериға кўра доимий, кўп миқдордаги ва ёғли овқат истеъмол қилгандан сўнг кучаювчи бўлиб, функционал етишмовчилик ҳолатининг авж олиб боришида оғриқ интенсивлиги ва давомийлигининг камайиб бориши кузатилади.

Олинган маълумотлар асосида беморларда кузатилган оғриқ жойлашиш хусусиятлари бўйича натижалар қуйидагича тафтишланди: 4% беморда қорин соҳасида оғриқ кузатилмаган, 14% беморда оғриқлар қориннинг марказида жойлашган, 26% беморда чап қовурға остида даврий оғриқ ҳамда 31% беморларда қориннинг юқори ва ўрта соҳасида жойлашган оғриқ турлари фарқланди. Шу билан бирга оғриқ характериға кўра беморларнинг

яримида яъни 37% беморда оғриқнинг парҳезга риоя қилмаслик натижасида, турли давомийликдаги оғриқ кузатилди.



**3-расм. Беморлар қорнидаги оғриқнинг жойлашиши (%)**

Шундай қилиб, АтД ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришлар кўпинча педиатр, бирламчи тиббий ходимларнинг, аллерголог-иммунолог, гастроэнтерологлар ва статистиканинг нуқтаи назаридан четда қолмоқда, яъни АтД ПЕ ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Шу сабабли АД ОИТ клиник-лаборатор ўзгаришларнинг патогенетик терапияси ўз вақтида амалга оширилмайди.

Болаларнинг периферик қони кўрсаткичлари ўрганилганда иккала гуруҳ беморларида ҳам касалликнинг авж олиш даврида эозинофиллар сонидан ташқари периферик қонда сезиларли даражада ўзгаришлар кузатилмади. Эозинофиллар сони АтД ПЕ бор беморларда ( $7,1 \pm 0,2$ ) ПЕ йўқ беморларга ( $6,5 \pm 0,31^*$ ) нисбатан бир оз юқори бўлди, лекин соғлом болаларга ( $1,31 \pm 0,12^{**}$ ) нисбатан эозинофиллар сони иккала гуруҳ беморларида ( $5,4; 4,5$  мос равишда) марта ошганлиги кузатилди ( $p < 0,001$ ). GINA (2020) га кўра, болаларда аллергик касалликлар кечишида қондаги эозинофилия касаллик фенотипини аниқлашда муҳим рол ўйнайди ва касалликнинг қайталанишида хавф омили ҳисобланади.


